ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВЛАТ ХИЗМАТИДА PR ВА МЕДИА АХБОРОТ САВОДХОНЛИГИ

Тошкент | 2024

АХБОРОТ УРУШЛАРИНИНГ КОММУНИКАТИВ ЖАРАЁНГА ТАЪСИРИ

1 **Дезинформация**

Ахборот урушларида дезинформация тарқатиш, ёлғон хабарларни тарқатиш, воқеаларни бузиб кўрсатиш, фикрларни боғлаб қўйиш, жамоатчилик фикрини чалғитиш каби усуллар қўлланилади.

2 **Пропаганда**

Пропаганда - бу муайян гуруҳнинг манфаатларини тарғиб қилиш, бошқа гуруҳларга қарши туҳмат тарқатиш, ғояларни мажбуран сингдириш каби усулларни қўллашдир.

3 **Киберҳужумлар**

Ахборот урушларида киберҳужумлар, интернетга ҳужум қилиш, маълумотларни ўғирлаш, тизимларни бузиш каби усуллар қўлланилади.

4 **Психологик уруш**

Психологик уруш - бу аҳолининг руҳий ҳолатига таъсир ўтказиш, қўрқув, хавотир, ишончсизликни юзага келтириш, ижтимоий барқарорликни бузишга қаратилган ҳаракатлардир.

Асосий ахборот манбалари - Интернет ресурслар

Сўровномада 1066 нафар респондент иштирок этган



Created with Datawrapper

МЕДИА ВА АХБОРОТ САВОДХОНЛИГИ НЕГА ЗАРУР?

- Ахборотдан баҳрамандлик, ахборотдан тўғри фойдаланиш
- Репрезентация ва реалликнинг фарқини англаш
- Ахборий экология учун

Ахборий саводхонлик

- Ахборий эҳтиёжни аниқлаш ва ифодалаш
- Ахборотни баҳолаш
- Ахборотга кириш ва уни қабул қилиш малакаси
- Ахлоқ меъёрларига амал қилган ҳолда ахборотдан фойдаланиш
- Ахборотни
- тизимлаштириш
- Ахборотни узатиш



Глобаллашув даврида ахборот саводхонлиги нега зарур?



Медиасаводхонлик

Демократик жамиятдаги медианинг роли ва вазифаларини тушуниш

Медиа қандай шароитда вазифаларини бажара олишини тушуниш

Ўзига хос вазифаларидан келиб чиқиб медиа контентини танқидий баҳолаш

Ўз-ўзини таҳлил қилиш ва демократик жараёнларда иштирок этиш учун медиа билан биргаликда ҳаракатланиш

Фойдаланувчилик контенти учун зарур бўлган (АКТ билан ишлаш билан боғлиқ) мал акани шакллантириш

Ахборотлар билан ишлашда тавсиялар

1. Ахборот мафкурасини аниқланг
2. Ахборот тарқатаётган ким деган саволга жавоб беринг
3. Ахборот контекстини таҳлил қилинг
4. Ахборот кимларга қаратилганини аниқланг
5. Бошқалар бу ахборотга қандай муносабат билдираётганига эътибор қаратинг
6. Ахборотни улашишдан олдин масъулиятни зиммангизга олаётганингизни унутманг

Боленнинг “Матбуот билан алоқа қилишнинг етти қоидаси”

1. **Матбуот (ОАВ) ни ҲАМИША** жиддий қабул қилинг. Улар профессионаллардир ва сиз ҳам уларга худди профессионалларга қарагандек қаранг.

2. **МАТБУОТГА ҲЕЧ ҚАЧОН ЁЛҒОН ГАПИРМАНГ.** Агар шундай қилсангиз, сизнинг ёлғонингиз фақат ва фақат ўзингизга оғир оқибатларни олиб келади.

3. Сиз матбуотга **ҲАММА НАРСАНИ** айтишга мажбур эмассиз!

4. “Агар, мабодо...” деб бошланадиган мужмал саволларга ҲЕЧ ҚАЧОН жавоб берманг. Журналистдан саволни аниқ шакллантиришини сўранг.

5. Муҳокама қилинаётган ва ҳали тасдиқланмаган мавзулар бўйича берилган саволларга **ҲЕЧ ҚАЧОН** жавоб қайтарманг.

6. **ҲЕЧ ҚАЧОН** бировнинг томорқасига тош отманг (бошқа ташкилотни танқид қилманг).

7. Агар саволнинг жавобини **БИЛМАСАНГИЗ,** буни тан олишдан қўрқманг. Кейинроқ эса, агар имконингиз бўлса, шу саволнинг жавобини тезроқ топишга ҳамда савол берган журналистга етказишга ҳаракат қилинг.

Шунингдек, баъзи журналистлар сизни тилингиздан тутиш учун ишлатадиган қуйидаги айрим ҳийла-найрангли тактикалардан хабардор бўлиш ҳам сиз учун кони фойда:

- Кутилмаган (олдиндан келишилмаган) саволлар;
- “**Босим ўтказиш**” (арзимас маълумотни ўртага ташлаш билан улар бу мавзу доирасида кўпроқ нарса билишларига сизни ишонтиришга уринишади ва шу орқали сиздан янада кенгроқ маълумот олишга эришмоқчи бўладилар);

- шундай **ХУЛОСА**га келамиз: журналистлар билан гаплашиш керак. Уларнинг қизиқувчанлиги, елимдек ёпишқоқлиги ва “жонгатегар”лиги – журналистларнинг инжиқлиги эмас, балки ўз хизмат вазифасини виждонан бажараётгани белгисидир.

- Журналистнинг бошлиғи кўп. У ўз оиласи, ўз таҳририяти, ўз иш берувчиси — ОАВ эгасининг, ўз ижодий даражасининг, уни ёллаган мана шу жамиятнинг хизматкоридир.